



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 3 » mart

№ 119

Toshkent sh.

Моддий маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг Умумжахон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 майдаги ПҚ-4730-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Моддий маданий мерос объектларини муҳофaza қилишни кучайтириш мақсадида сўнгги йилларда қонун ҳужжатлари билан, жумладан, куйидагилар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

моддий маданий мерос объектларини муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳамда давлат муҳофazасига олинган моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш бўйича тегишлича маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучайтирилди;

давлат муҳофazасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофaza қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан, ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжахон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш бўйича маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди;

моддий маданий мерос объектларини муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга оид маъмурий хуқуқбузарликлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаменти (кейинги ўринларда –

Департамент) ва унинг ҳудудий бошқармалари мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳамда қонунда белгиланган тартибда судга юбориш амалиёти йўлга қўйилди;

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволар билан мурожаат қилиш жорий қилинди;

Департамент давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига моддий маданий мерос обьектлари соҳасида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиши ҳукуқига эга бўлди;

Департаментнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий этиб белгиланди;

моддий маданий мерос обьектларига оид норматив-ҳукуқий хужжатлар лойиҳалари ва аҳоли пунктларининг бош режалари Департамент билан мажбурий тартибда келишилиши жорий қилинди;

ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига тарихий-маданий қийматига кўра киритилган республикадаги ҳудудлар алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар ҳисобланиши ҳамда уларда режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг лойиҳалари Департамент ҳамда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази билан мажбурий тартибда келишилган ҳолда амалга оширилиши белгиланди;

Департамент томонидан моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектларини асрашга доир фаолиятга лицензия ва рухсатнома бериш, шунингдек, лицензия ва рухсатнома шартларига риоя қилинишини назорат қилиш жорий қилинди;

моддий маданий мерос обьектлари соҳасидаги маҳаллий ва хорижий мутахассисларни фуқаролик-ҳукукий тусдаги шартнома асосида жалб қилиш ҳамда улар меҳнатига ҳақ тўлаш микдорини Маданий мерос жамғармаси маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан Департамент бошлиғи томонидан белгилаш ҳукуқи берилди;

Департамент моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектларидан фойдаланишдан олинган даромадлар ва уларнинг сарфланишига оид маълумотларни тегишли субъектлардан сўраб олиш ҳамда уларга ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатма бериш ҳукуқига эга бўлди;

моддий маданий мерос кўчмас мулк обьектига етказилган моддий зарар микдорини ҳисоблаш, улардан фойдаланиш шартлари ва тартиби ҳамда уларга риоя қилишини таъминлаш тартиблари жорий этилди;

моддий маданий мерос объектлари муҳофаза қилиниши, асралishi ва улардан фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг кўриқланадиган теграларини белгилаш ва уларни саклаш тартиби тасдиқланди;

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги ҳамда моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказганлиги учун тўланадиган жарималар, шунингдек, давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мерос объектларига етказилган зарарни қоплаш бўйича маблағлар Маданий мерос жамғармасига йўналтирилиши белгиланди.

2. Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари қонун хужжатлари билан уларга берилган ҳуқуқлар ва ваколатлардан етарли фойдаланмаётгани, мажбурият ва функцияларни тўлиқ амалга оширмаётгани ҳамда соҳада давлат назоратини тизимли ва таъсирчан йўлга қўймаётгани **кўрсатиб ўтилсин**.

3. Қуидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаментининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаменти марказий аппаратининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 40 нафардан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаменти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданий мерос бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари тузилмаларига қўшимча 14 та штат бирлиги “Бухоро”, “Самарқанд”, “Иchan қалъа”, “Сармишсой”, “Шахрисабз”, “Термиз” ва “Кўқон” давлат музей-кўриқхоналарининг бош мутахассис ва етакчи мутахассис лавозимлари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирига, зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуки берилсин.

4. Қуидагилар:

2021–2022 йилларда моддий маданий мерос объектларини аниқлаш, ҳисобини юритиш, муҳофаза қилиш, асраш, илмий тадқиқ этиш, оммалаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 4-иловага мувофиқ;

2021–2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси томонидан ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхати, Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхати, Жаҳон хотираси рўйхатига маданий ва табиий меросларни киритишни илгари суриш бўйича миллий режа 5-иловага мувофиқ;

Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектлари соҳасида реставратор-усталар малакасини ошириш ва уларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаменти томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари ҳамда уларга тўлов тури ва миқдорлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Фанлар академияси, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фаргона вилоятлари ҳокимликларининг таклифларига мувофиқ “Бухоро”, “Самарқанд”, “Иchan қалъа”, “Сармишсой”, “Шахрисабз”, “Термиз” ва “Кўқон” давлат музей-қўриқхоналари қўриқланадиган теграларининг чегаралари тегишлича 8–14-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги давлат музей-қўриқхоналари қўриқланадиган теграларининг чегараларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати пайдо бўлган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда асосланган таклиф киритиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил 1 март кунига қадар маҳаллий бюджет маблағлари ва қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан:

тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган кўчмас мулк обьектларини ҳар бирининг жойига борган ҳолда аниқлаш, янги обьект бўйича тарихий-маданий экспертиза ўтказиш ва уларни давлат муҳофазасига олиш чораларини кўрсинг;

барча моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектларини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказсин ҳамда Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектлари миллий рўйхатини қайта шакллантирунган ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсинг.

7. Белгилансинки:

а) давлат музей-қўриқхоналари қўриқланадиган теграларидаги ерлар ушбу теграларда жойлашган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ихтиёрида қолади;

б) моддий маданий мерос объектларига эгалик қилувчи ва улардан фойдаланувчи давлат органлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар:

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини илмий ва илмий-техник тадқиқ этиш қўллаб-куватланишини;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари қўриқланадиган теграларининг лойиҳалари ишлаб чиқилишини;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асраш бўйича ишларни тегишли рухсатнома ва лицензия асосида ўтказилишини;

алоҳида тартибга солиниши лозим бўлган ва моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ шаҳарсозлик фаолияти объектларининг чегаралари ишлаб чиқилишини;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида муҳофаза белгилари ўрнатилишини таъминлашлари ҳамда объектни муҳофаза қилишга оид бошқа чора-тадбирларни белгиланган тартибда амалга оширишлари шарт;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга ошириш бўйича давлат харидлари ўтказилганда харид комиссияси таркибига Департамент ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси котибиятининг вакиллари киритилади;

г) ушбу қарорнинг бажарилиши:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПҚ-4730-сон қарори билан тузилган Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисларида;

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси мажлисларида муҳокама қилиб борилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 15-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси раиси А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов


Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “3” мартағи 119-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги
Маданий мерос департаментининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “З” марта ГІ9 -сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги
Маданий мерос департаменти марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ




Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 40 нафар.

Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган нормативларга мувофиқ аниqlанади.

*) Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги ӯринбосари – Департамент бошлиги лавозими
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “3” мартағи 19-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти
Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданий мерос бошқармаларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 3 – 17 нафар, жами 110 нафар.

Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган нормативларга мувофиқ аниqlанади.

Зарур ҳолларда, бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобига фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома асосида зарур мутахассислар жалб этилиши мумкин.

*) Маданий мерос департаментининг Тошкент шаҳар маданий мерос бошқармаси таркибида Бадий экспертиза бўлими ташкил этилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “3” марта ГГГГ -сон қарорига
4-илова

**2021–2022 йилларда моддий маданий мерос объектларини аниқлаш, ҳисобини юритиш, муҳофаза қилиш,
асраш, илмий тадқиқ этиш, оммалаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини
такомиллаштириш чора-тадбирлари
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
I. Моддий маданий мерос объектларини аниқлаш ва ҳисобини юритиш				
1.	<p>Маданий мерос объектлари электрон порталини яратиш. Электрон портални давлат электрон хизматлари билан интеграция қилиш. Электрон порталга маданий мерос объектлари ҳақида маълумот ва материалларни жойлаштириш, келгусида тизимли равишда янгилаб бориш. Электрон портални жамоатчилик учун очик ахборот манбаига айлантириш ва самарали фаолият олиб боришини таъминлаш.</p>	2021 йил июнь	Маданий мерос жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма), маданий мерос соҳасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	Маданият вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Кадастр агентлиги, Фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
2.	<p>Малакали мутахассислардан иборат маҳсус ишчи гурухларни ташкил этган ҳолда: тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган кўчмас мулк объектларини ҳар бирининг жойига борган ҳолда аниқлаш; ҳар бир янги обьект бўйича тарихий-маданий экспертиза ўтказиш ва уни белгиланган тартибда кўриб чиқиш.</p>	2021-2022 йиллар	Жамғарма, маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги

3.	Барча моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш ва уни белгиланган тартибда кўриб чиқиши.	2021-2022 йиллар	Маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Фанлар академияси
4.	Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларининг миллий рўйхатини қайта шакллантириши.	2022 йил май	Маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Фанлар академияси
5.	Миллий рўйхат лойиҳасини тегишли равишда б ой мобайнида куйидаги шаклларда: ҳар бир маҳалла фуқаролар йигинлари кенгашларида фаол фуқаролар ва моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекторлар иштирокида; маҳаллий даврий нашрларда эълон қилиш орқали кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида; оммавий ахборот воситалари, Маданият вазирлиги, Маданий мерос департаменти ва маҳаллий ҳокимликларнинг расмий сайтларида эълон қилиш орқали; илмий анжуманлар, давра сұхбатлари ташкил этиш орқали олимлар ва мутахассислар иштирокида муҳокама қилиш.	2022 йил октябрь	—	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси

6.	Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил декабрь	—	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
7.	Моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг техник ҳолати мониторингини амалга ошириш	2022 йил сентябрь	Жамғарма, маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
8.	Моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг тоифасини белгилаш.	2022 йил январь	Жамғарма, маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Фанлар академияси
9.	Моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларини босқичма-босқич белгилаш	2021-2022 йиллар	Маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
10.	Моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг маҳалла, туман ва шаҳарлар бўйича жойлашуви харитасини яратиш.	2021-2022 йиллар	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият вазирлиги, Кадастрган агентлиги

11.	Моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг алоҳида муҳим тарихий-маданий қисмлари ва бадиий безаклари сақланишини экспертизадан ўтказиш, уларни тўлиқ фотофиксация ва идентификациялаш. Уларни ягона маҳсус электрон ахборот базасига жойлаштириш.	2021-2022 йиллар	Маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Фанлар академияси
-----	--	------------------	----------------------------	--

II. Маданий мерос объектларининг давлат томонидан муҳофаза қилинишини таъминлаш

12.	Моддий маданий меросни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш.	Доимо	—	Маданият вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари.
13.	Давлат назоратини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслари лавозимларининг рўйхатини тасдиқлаш.	2021 йил июль	—	Маданият вазирлиги
14.	Давлат назоратини хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш шаклида ўтказиш учун давлат назоратини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдорни: шахсларни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи аттестациядан ўтказиш; текширишларни ўтказишга рухсат берувчи маҳсус гувоҳномалар бериш.	2021 йил август	—	Маданият вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар

15.	<p>Моддий маданий меросни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш чораклик режаларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш.</p> <p>Ушбу режани Маданият вазирлиги, Маданий мерос департаменти, маҳаллий ҳокимликларнинг расмий веб сайтларида эълон қилиб бориш.</p>	Доимо	—	<p>Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар</p>
16.	<p>Давлат назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик тизимини йўлга кўйиш.</p>	2021 йил ноябрь	Жамғарма маблағлари	<p>Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар</p>
17.	<p>Юридик ва жисмоний шахслар томонидан моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларининг бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва тўхтатиш юзасидан тезкор назорат тадбирларини амалга ошириш.</p>	Доимо	—	<p>Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар</p>
18.	<p>Давлат назорати натижаларига қонуний баҳо бериш жараёни тўлиқ якунланишини хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд органлари ва мажбурий ижро бюролари билан муҳокама қилиш.</p>	Ҳар чоракда	—	<p>Маданият вазирлиги, Олий суд (келишувга мувоғиқ), Бош прокуратура (келишувга мувоғиқ), Ички ишлар вазирлиги</p>
19.	<p>Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг моддий маданий меросни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича ҳисоботларини кўриб чиқишини тавсия этиш.</p>	Доимо	—	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият вазирлиги</p>

20.	Моддий маданий мерос объектларида олиб борилаётган таъмирлаш-тиклаш ва реставрация ишларини олимларни жалб қилган ҳолда назорат қилиш.	Доимо	—	Маданият вазирлиги
21.	<p>Куйидагиларни:</p> <p>моддий маданий мерос объектлари техник ҳолатининг мониторинги натижаларини;</p> <p>тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган кўчмас мулк объектларини аниқлаш бўйича натижаларни;</p> <p>барча моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини қайта тарихий-маданий экспертиза қилиш натижаларини кўриб чиқиш учун Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига тавсия этиш.</p>	Ҳар ярим йилда	—	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият вазирлиги

III. Маданий мерос объектларини асрараш чора-тадбирлари

22.	Давлат ва маҳаллий бюджетдан маданий мерос объектларини реставрация, таъмирлаштиклаш ва консервация қилиш ишлари учун маблағ ажратиш ҳамда таклиф лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	2021-2022 йиллар	—	Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
23.	Ўзбекистон Республикаси маданий мерос соҳасига оид стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил	—	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар
24.	Ҳалокатли аҳволга келиб қолган археология ёдгорликларини аниқлаш ва уларда зудлик билан илмий тадқиқот ўтказиш.	2021-2022 йиллар	Маданий мерос соҳасига ажратилган Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, Фанлар академияси

25.	Археология мероси объектларида жойлашган дағн этиш жойлари учун бошқа ер участкалари ажратиш.	2021-2022 йиллар	—	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Кадастр агентлиги
26.	Олий таълим муассасаларининг тарих ва археология таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун малакавий археологик амалиёт ўташ тизимини жорий этиш.	Доимо	Ижрочилар маблағлари	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги
27.	Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастр хужжатларини расмийлаштириш ишларини ҳамда давлат кадастрлари ягона тизимиға тегишли ахборотларни киритишни якунлаш ва янгилаб бориш.	2021 йил сентябрь	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият вазирлиги
28.	Моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг муҳофаза белгиларини ўрнатиш ишларини тўлиқ якунлаш.	2021 йил сентябрь	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият вазирлиги
29.	Моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш ҳисобига олинган маблағлар ҳисобини юритиш ва ушбу маблағларни мақсадли сарфлашни назорат қилиш ягона электрон тизимини яратиш.	2021 йил ноябрь	Маданият вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари, Жамғарма маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар

30.	Моддий маданий мерос күчмас мулк объектларини аниқлаш ва уларни хатловдан ўтказиш, теграларини белгилаш, тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш, маҳсус ишлар учун малакали мутахассислар, эксперктлар рўйхатини шакллантириш, улар билан фуқаролик меҳнат шартномаларини тузиш.	2021-2022 йиллар	Маҳаллий бюджет, жамғарма маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
-----	---	------------------	--------------------------------------	--

IV. Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий худудларни ҳимоя қилиш

31.	Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий худудлар, шу жумладан, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган обьектлар ҳолати бўйича: ҳар ойда умумий мониторинг олиб бориш; ҳар чоракда яхлит ва тўлиқ давлат назорати шаклида белгиланган тартибда текшириш; мониторинг ва давлат назорати натижаларини белгиланган тартибда кўриб чиқиши.	Доимо	—	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар
32.	Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий худудлар паспортини тузиш.	2021 йил декабрь	Маҳаллий бюджет, баланс сақловчилар маблағлари	Тегишли вилоят ҳокимликлари, Маданият вазирлиги
33.	Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий худудларни, шу жумладан ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган обьектларни бошқариш режаларини ишлаб чиқиши.	2021-2023 йиллар	маҳаллий бюджет	Тегишли вилоят ҳокимликлари, Маданият вазирлиги
34.	ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси обьектларини самарали муҳофаза қилиш мақсадида илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида ҳамкорликни йўлга қўйиши.	Доимо	Жамғарма, Маданий мерос соҳасига ажратилган Давлат бюджети маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари.

35.	ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси объектларининг самарали сақланишини ташкил этиш мақсадида доимий илмий-тадқиқотлар олиб бориш.	доимий	Жамғарма маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
36.	ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси объектларини сақлаш ҳолатини доимий назорат қилиш учун замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш.	2021-2023 йиллар	Грант маблағлари, Жамғарма маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
V. Моддий маданий меросни асраш ва ундан оқилона фойдаланишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар иштирокини қўллаб-қувватлаш				
37.	Оммавий ахборот воситалари, журналистлар, блогерлар ва бошқа фаол фуқаролар иштирокида: ҳар чоракда матбуот анжумани ўтказиш; ҳар олти ойда инфо-тур ташкил этиш; ҳар ойда Маданий мерос департаменти фаолияти ҳақида батафсил ҳисбот эълон қилиш.	Доимо	—	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар

38.	<p>Маданий меросни ҳимоя қилиш ва тарғиб қилишдаги фаоллиги учун оммавий ахборот воситалари ва блогерлар ўртасида:</p> <p>камида 3 та номинация бўйича республика очиқ танловини ташкил этиш;</p> <p>танловни йилда камида 2 март ўтказиш; ҳар бир номинация бўйича 1 та биринчи, 2 та иккинчи ва 3 та учинчи ўрин олганларни муносиб тақдирлаш;</p> <p>танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, танловда қатнашишни кенг тарғиб қилиш.</p>	Хар 6 ойда	Жамғарма маблағлари	Маданият вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
39.	Маданий мерос соҳасида фаолият олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-кувватлаш, уларга грант ва ижтимоий буюртмалар бериш.	Доимо	Жамғарма маблағлари	Маданият вазирлиги
40.	Ёшларнинг онгига маданий меросимизга бўлган ҳурмат туйғусини кучайтириш мақсадида таълим муассасаларида тарғибот ишларини олиб бориш.	2021-2022 йиллар	Ижрочилар маблағлари	Халқ таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги
41.	<p>18 апрель – Ёдгорликларни ва тарихий жойларни асрарш халқаро куни арафасида:</p> <p>турли тадбирлар ва республика кўрик-танловларини ўтказиш ҳамда ғолибларни муносиб тақдирлаш;</p> <p>ҳар бир туман (шаҳар)да камида 50 нафар маданий меросни ҳимоя қилиш бўйича фаол фуқароларни тақдирлаш.</p>	ҳар йили апрель ойида	Жамғарма, маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
42.	Моддий маданий мерос объектлари тўғрисида оммабоп фильмлар яратиш.	2021-2022 йиллар	“Ўзбеккино” Миллий агентлигига ажратилган Давлат бюджети маблағлари	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси

43.	Моддий маданий мерос объектларининг 3D моделли реконструкциялари ва рақамли ахборот базасини яратиш.	2021-2022 йиллар	Грант маблағлари, жамғарма	Маданият вазирлиги, Фанлар академияси
44.	Моддий маданий мерос объектларининг каталогини яратиш.	2021-2022 йиллар	Жамғарма, маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Фанлар академияси
45.	Оммавий ахборот воситаларида маданий мерос ҳакида доимий равишда туркум материаллар бериг бориш.	Доимо	—	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
46.	Маданий мерос департаменти билан телеканаллар ҳамкорлигини кенгайтириш, ҳар ярим йиллик учун биргалиқда Медиа режа қабул қилиш ва уни амалга ошириб бориш.	Доимо	—	Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
47.	Йўқолиб кетиши хавфи остидаги моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари рўйхати ва уларни сақлаб қолиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар хақидаги ахборотларни ҳар йили декабрь ойида Маданият вазирлиги расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш.	Ҳар йили декабрь ойида	—	Маданият вазирлиги
48.	Ҳар йили таъмирлаш-тиклаш, консервация ва реставрация қилинадиган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг рўйхатини ҳар йили декабрь ойида Маданият вазирлиги расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш.	Доимий	—	Маданият вазирлиги
49.	Археология объектларида илмий тадқиқотлар ўтказиш режалаштирилган объектларни ва ушбу объектларда илмий тадқиқот олиб бориш учун рухсатнома олган археологларнинг рўйхатини эълон қилиб бориш.	Доимо	—	Маданият вазирлиги

**VI. Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармаларининг
моддий-техник базасини яхшилаш**

50.	<p>Маданий мерос объектларни муҳофаза қилиш ва соҳада давлат назоратини амалга оширишда фойдаланиш учун:</p> <p>масофадан туриб назорат қилиш ва ўрганиш мақсадида учувчисиз учиш аппаратлари – 16 та;</p> <p>3D моделини яратиш учун FARO Laser Scanner Focus S70 ускунаси;</p> <p>археология объектларини ўрганиш ва чегараларини белгилаш мақсадида (георадары) IDS ускунаси;</p> <p>GPS приемник (Glonass) – 15 та;</p> <p>оптик лазерли дальномер (120 m) – 15 та.</p>	2021-2022 йиллар	Жамғарма ва маҳаллий бюджет маблағлари, қонун хужжатлари билан тақиқланмаган манбалар	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
51.	<p>Маданий мерос департаменти ва унинг худудий бошқармаларини қўйидагилар билан таъминлаш:</p> <p>транспорт воситаси – 15 та;</p> <p>видео конференс учун телевизор (50 дюйм) ҳамда видео камера – 15 та;</p> <p>ходимлар учун офис креслолар ва столлар жамланмаси – (2 тумбали) 66 та;</p> <p>30 кишига мўлжалланган мажлислар зали учун стол-стул – 15 та;</p> <p>юмшоқ мебель стуллари – 226 та;</p> <p>хужжатлар учун офис шкафлари – 50 та;</p> <p>пўлат сандик – 30 та;</p> <p>замонавий компьютер жамланмаси – 70 та;</p> <p>махсус планшетлар – 30 та;</p> <p>махсус фотоаппарат – 16 та;</p> <p>A3 форматли принтер ва сканер (3x1) – 15 та.</p>	2021-2022 йиллар	Жамғарма ва маҳаллий бюджет маблағлари, қонун хужжатлари билан тақиқланмаган манбалар	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

VII. Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари малакасини ошириш

52.	ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси объектларини муҳофаза қилиш ва сақлаш мақсадида биргаликда Маданий мерос департаменти ва ҳудудий бошқармалар ходимларининг чет элларда семинар-тренингларда қатнашишини йўлга қўйиш.	Доимо	Жамғарма маблағлари, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган манбалар	Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
53.	Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва сақлашга доир ҳалқаро конференцияларда Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқарма ходимларини қатнашишини таъминлаш.	Доимо	Жамғарма маблағлари, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган манбалар	Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
54.	Тажриба алмашиш ва малака ошириш мақсадида Маданий мерос департаменти ва ҳудудий бошқарма ходимларини чет эллардаги шу соҳа бўйича фаолият кўрсатувчи ташкилотларга юбориш.	Ҳар йили режа бўйича	Жамғарма маблағлари, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган манбалар	Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
55.	Моддий маданий мерос муаммоларини ўрганиш, натижаларини таҳлил қилиш ҳамда хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш.	2021-2025 йиллар	Жамғарма маблағлари, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган манбалар	Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
56.	Маданий мерос соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш бўйича 36 соатдан кам бўлмаган семинар ўкув курсларини ташкил қилиш.	Ҳар йили режа бўйича	Жамғарма маблағлари, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган манбалар	Маданият вазирлиги
57.	Маданий мерос соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, тренинглар ўtkазиш ва уларга чет тилларини чукур ўргатиш	Ҳар йили режа бўйича	Жамғарма маблағлари, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган манбалар	Маданият вазирлиги

58.	Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, давлат назоратини амалга ошириш ва таъмирлаш-тиклаш, консервация ва реставрация қилиш бўйича ҳар б ойда камида 3 та хорижий давлатнинг тажрибасини ўрганиш ва уни амалиётда жорий қилиш.	Доимо	—	Маданият вазирлиги
59.	Маданий мерос объектларини реставрация қилишда Эрон ва Туркия давлатлари билан ҳамкорликни, жумладан, уларнинг тажрибали уста-реставраторларини Ўзбекистонга олиб келиб ва маҳаллий усталарни хорижий мамлакатларга олиб бориш орқали уларнинг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш.	Доимо	Жамғарма маблағлари, қонун хужжатлари билан тақиқланмаган манбалар	Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
60.	Маданий мерос объектларини реставрация-тиклаш ишларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, хорижий илғор тажрибани ўрганиш асосида ихтисослашган пудрат ташкилотларини аниқлаш ва буюртмачини белгилаш масаласи бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2021 йил май	—	Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси
61.	Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишлар, шу жумладан, консервация ва реставрация қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўзига хослигини инобатга олиб, Маданий мерос департаментининг Илмий-эксперт кенгаши қарори билан Маданий мерос илмий-тадқиқот институти тўғридан-тўғри шартномалар тузишга ҳамда ҳақ тўланишига рухсат бериш.	2021-2022 йиллар	Республика бюджетидан маданий мерос соҳасига ажратилган маблағлар доирасида	Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги

62.	<p>Умумжахон мероси рўйхатига киритилган объектлар сақланиши ҳолати ҳақида ЮНЕСКОга тақдим этиш учун тегишли ҳисобот ва хужжатларни тайёрлаш бўйича халқаро, хорижий ташкилотлар ва эксперталар билан ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия билан келишган ҳолда тўғридан-тўғри шартномалар тузишга ҳамда ҳақ тўланишига рухсат бериш.</p>	2021-2022 йиллар	<p>Республика бюджетидан маданий мерос соҳасига ажратилган маблағлар, Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш дирекцияси маблағлари, қонун хужжатлари билан тақиқланмаган манбалар</p>	<p>Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш дирекцияси, Ташқи ишлар вазирлиги</p>
63.	<p>Ўзбекистонда маданий мерос масалалари бўйича ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Халқаро маслаҳат кўмитасини ташкил этиш ва фаолиятини кўллаб-кувватлаш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан, бу борада ЮНЕСКОга тўловларни 2021 йилга Маданият вазирлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплаш.</p>	2021 йил	<p>Маданият вазирлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар</p>	<p>Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги</p>

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “3” мартағи 119-сон қарорига
5-илова

**2021–2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси томонидан
ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхати,
Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхати,
Жаҳон хотираси рўйхатига маданий ва табиий меросларни киритишга
илгари суриш бўйича
МИЛЛИЙ РЕЖА**

Умумжаҳон мероси рўйхати бўйича

1. Буюк ипак йўли: Зарафшон йўналиши:
Коғир қалъа (Самарқанд вилояти)
Дабусия қадимий шаҳри (Самарқанд вилояти)
Жартепа (Самарқанд вилояти)
Сулаймонтепа (Самарқанд вилояти)
Работи Малик (карвон сарой, сардоба) (Навоий вилояти)
Мир Сайд Баҳром мақбараси (Навоий вилояти)
Қосим Шайх мажмуаси (Навоий вилояти)
Деггароний масжиди (Навоий вилояти)
Варахша ёдгорлиги (Бухоро вилояти)
Варданзе ёдгорлиги (Бухоро вилояти)
Вобкент минораси (Бухоро вилояти)
Чашмаи Аюб мажмуаси (Бухоро вилояти)
Чор Бақр мажмуаси (Бухоро вилояти)
Баҳоуддин Нақшбандий мажмуаси (Бухоро вилояти)
Пойкент қадимий шаҳри (Бухоро вилояти)
2. Буюк ипак йўли: Фарғона – Сирдарё йўналиши:
Мингтепа археология ёдгорлиги (Андижон вилояти)
Қаровултепа (Андижон вилояти)
Жингиртепа (Андижон вилояти)
Биловур (Андижон вилояти)
Кува шаҳристони (Фарғона вилояти)
Зиндонтепа археология ёдгорлиги (Фарғона вилояти)
Зангиштепа археология ёдгорлиги (Фарғона вилояти)
Сариқўргон археология ёдгорлиги (Фарғона вилояти)
Мўйи муборак (Фарғона вилояти)
Биби Бувайда мақбараси мажмуаси (Фарғона вилояти)
Пошибо Пирим мақбараси мажмуаси (Фарғона вилояти)
Хўжа Магиз мақбараси мажмуаси (Фарғона вилояти)
Ахсикент археология ёдгорлиги (Наманган вилояти)
Қадимги Поп (Наманган вилояти)

Мұғтепа (Наманган вилояти)
Қирқ хужра (Наманган вилояти)
Қанқа археология ёдгорлиги (Тошкент вилояти)
Шохрухия археология ёдгорлиги (Тошкент вилояти)
Юнусобод Оқтепаси (Тошкент шахри)
Чилонзор Оқтепаси (Тошкент шахри)
Мингүрик археология ёдгорлиги (Тошкент шахри)
Шоштепа археология ёдгорлиги (Тошкент шахри)
Ҳазрати Имом мажмуаси (Тошкент шахри)
Кўкалдош мадрасаси (Тошкент шахри)
Зайниддин бобо мажмуаси (Тошкент шахри)
Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси (Тошкент шахри)
Зангиота мажмуаси (Тошкент вилояти)
Қайнар сардобаси (Тошкент вилояти)
Корхона (Тошкент вилояти)

3. Хонбанди (Жиззах вилояти)
4. Араб ота мақбара (Самарқанд вилояти)
5. Кўқон тарихий ёдгорликлари (Фарғона вилояти):
Қадимий Тепақўргон
Худоёрхон ўрдаси
Норбўтабек мадрасаси
Ҳазрати Миён мадрасаси
Модарихон мақбара
Жоме масжиди
Дахмаи шаҳон мадрасаси
Дастурхончи мадрасаси
Хўжабек мадрасаси
Хуржун мадрасаси
Чалпак мадрасаси
6. Жоме масжиди архитектура мажмуаси (Андижон вилояти)
7. Сийпантош қоятош расмлари – петроглифлар (Қашқадарё вилояти)
8. Қадимги Термиз (Сурхондарё вилояти):
Қоратепа буддавийлик ибодатхонаси
Фаёзтепа буддавийлик ибодатхонаси
Зўрмўла Буддавийлик иншооти
Қирққиз мажмуаси
Ҳаким ат-Термизий мақбара
Султон Саодат мажмуаси
Кокилдор ота хонақоси

Жарқұрғон минораси
Кампиртепа қалъаси

9. Оқ Остонабобо мақбара (Сурхондарё вилояты)
10. Зараутсой қоятош расмлари (петроглифлар) – маданий ва табиий мерос (Сурхондарё вилояты)
11. Кармана күрғони (Навоий вилояты)
12. Сармишсиой қоятош расмлари (Навоий вилояты)
13. Шайх Мухтор Вали мажмуаси (Хоразм вилояты)
14. Хазорасп тарихий шахри (Хоразм вилояты)
15. Қадимги Хоразм ёдгорликлари (Қорақалпоғистон Республикасы):
Ангқа қалъа археология ёдгорлиги;
Катта Гулдурсун қалъа археология ёдгорлиги;
Кўйқирилган қалъа археология ёдгорлиги;
Кўрғошин қалъа археология ёдгорлиги;
Тупроқ қалъа археология ёдгорлиги;
Жонбос қалъа археология ёдгорлиги;
Аёз қалъа археология ёдгорлиги
Кирқ қиз қалъа
16. Зомин тоғлари – табиий мерос (Жиззах вилояти)
17. Шоҳимардон – табиий мерос (Фарғона вилояти)
18. Ҳисор тоғлари – Ҳисор қўриқхонаси (Қашқадарё вилояти)
19. Кўйи Амударё биосфераси – табиий мерос (ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон биосфера резерватлари тармоғи рўйхатига)
20. Бойсун (Сурхондарё вилояти)

**Инсоният номоддий маданий меросининг
репрезентатив рўйхати бўйича**

1. Бахшичилик санъати (Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм)
2. Ўзбекистон кулолчилик мактаблари (Риштон, Тошкент ва Бухоро)

3. Ўзбекистон дўппидўзлик мактаблари (Андижон, Марғилон, Қўқон, Чуст, Бухоро, Самарқанд, Бойсун)
4. Ўзбекистон кандакорлик мактаблари (Марғилон, Тошкент, Бухоро, Самарқанд)
5. Ўзбекистон гиламчилик марказлари (Марғилон, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Бойсун)

Жаҳон хотираси дастурининг халқаро рўйхати бўйича

1. “Шарҳ ал-мулаҳҳас фи ал-ҳайъа” (“Астрономияга қисқача шарҳ”) Хоразмлиқ аллома, астроном Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий ал-Хоразмий
2. Бухоро амирлиги Қушбегиси маҳкамасининг ҳужжатлари
3. Вақф ҳужжатлари коллекцияси
4. Биринчи ўзбек кинооператори ва киносанъатининг асосчиси Худойберган Девонов кинофото ҳужжатлари
5. Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилишга оид ҳужжатлар

Изоҳ.

Миллий режса Қорақалпогистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари, Маданий мерос жамгармаси ва қонунчилик ҳуҗсжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссия:

Миллий режсага ўзгартириши ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга;

Миллий режсани амалга оширилишини мувофиқлаштиради ва мажлисларида муҳокама қилиб боради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “З” мартдаги 119-сон қарорига
6-илова

**Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари соҳасида
реставратор-усталар малакасини ошириш ва уларга малака
сертификатини бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари соҳасида реставратор-усталар (кейинги ўринларда – мутахассислар) малакасини ошириш ва уларга малака сертификатини бериш тартибини белгилайди.

2. Мутахассисларнинг малакасини ошириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаменти (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан амалга оширилади.

3. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолиятни амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахслар ҳамда бошқа шахслар мутахассисларни малакасини ошириш бўйича буюртмачи бўлиши мумкин.

4. Мутахассислар малакасини ошириш буюртмачи билан ваколатли органи ўртасида ихтиёрийлик асосида тузилган шартномаларга биноан ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

5. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишларни амалга оширишда иштирок этадиган жисмоний шахслар реставратор-усталар ҳисобланади.

6. Мутахассислар малакаси ҳар уч йилда ошириб борилади.

2-боб. Малака ошириш курсларининг мақсади ва вазифалари

7. Малака ошириш курсларининг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

мутахассислар малакасини миллий меъморчилик анъаналари, хорижий тажриба ва замонавий ўкув дастурлари асосида ошириш;

мутахассисларга зарур бўлган касбий билимлар, кўникмалар, малакалар ва компетенцияларни мунтазам равишда бериб бориш.

8. Малака ошириш курсларининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

мутахассисларнинг касбий билимлари, кўникмалари, малакаси ва компетенцияларини узлуксиз ошириб бориш;

олимлар, халқ усталари, экспертлар билан яқин ҳамкорлик қилиш, таъмирушунослиқдаги ўзига хос услуг, анъана ва мактабларини ривожлантириш;

мутахассисларнинг касбий билимларини ошириш орқали миллий меъморчилик анъаналарига мувофиқ лойиҳалаш ҳамда таъмирлаш соҳаси самарадорлиги ва сифатини таъминлаш;

малака ошириш жараёнларини ишлаб чиқариш ва фан-техника билан интеграция қилиш ҳамда малака ошириш тизимини янада ривожлантириш.

3-боб. Малака ошириш курсларини ташкил этиш тартиби

9. Буюртмачи ҳар йили 20 ноябрга қадар ваколатли органга кейинги календарь йил учун ўқиш йўналишлари бўйича буюртма беради.

Зарурат пайдо бўлганда буюртмачи томонидан ваколатли органга йил давомида қўшимча буюртмалар берилиши мумкин.

10. Буюртмачининг буюртмасида мутахассисларнинг:

фамилияси, исми ва отасининг исми;

жинси, туғилган йили, санаси ва ойи;

қачон ва қайси таълим муассасасини битирганлиги, диплом бўйича мутахассислиги;

иш жойи ва стажи, лавозими (касби);

малакасини оширган бўлса охирги малака оширган вақтини кўрсатади.

11. Ваколатли орган:

буюртмалар асосида малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича ҳар йили 20 декабрга қадар кейинги календарь йил учун йиллик режани тасдиқлайди;

tinglovchilar гуруҳини шакллантиради ҳамда мутахассисларнинг базавий маълумоти, мутахассислиги, иш стажи, лавозими (касби)ни ҳисобга олиб, курснинг ўкув режа ва дастурларини тайёрлайди, зарурат пайдо бўлганда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.

12. Малака ошириш курсларида ўкув жараёни тингловчилар сони 10–15 нафар тингловчи бўлган академик гуруҳларда ташкил этилади.

13. Ваколатли орган малака ошириш курслари бошланиши тўғрисида буюртмачини беш кун олдин хабардор қиласди.

14. Буюртмачи мутахассисларни малака ошириш курсларига етиб боришини таъминлайди.

15. Курсларга тингловчиларни қабул қилиш ваколатли орган раҳбари буйруғи билан расмийлаштирилади.

16. Малака ошириш курслари бошлангандан кейин сабабсиз уч иш куни мобайнида келмаган тингловчилар ўқишдан четлаштирилади.

17. Ваколатли орган тингловчиларнинг малака ошириш курсларига ўз вақтида келмаганлиги тўғрисида буюртмачига хабар беради.

18. Тингловчилар қуидаги сабабларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилади:

ўз хоҳишига биноан;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

ўкув интизомини ва таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузганлиги учун;

малака ошириш (18 академик соатдан ортиқ) курсидаги дарс машғулотларини узрли сабабларсиз қолдиргани учун;

шартнома асосида ўқитиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажармагани учун;

суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги сабабли;

вафот этганлиги сабабли.

19. Тингловчиларнинг касаллиги ва бошқа узрли сабаблари тасдиқланган тақдирда, уларнинг малака ошириш курсларидан ўтиш муддати ваколатли орган билан буюртмачи келишуви бўйича бошқа муддатга кўчирилади. Бунда малака ошириш тўланган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

20. Тингловчилар малака ошириш курсидан четлатилганда унга сабаблари кўрсатилган ҳолда маълумотнома берилади, шунингдек, бу ҳақида буюртмачига маълум қилинади.

Мутахассисларнинг малакасини ошириш тўғридан-тўғри малака ошириш (кундузги таълим дастурлари бўйича ўқитиш) ва бошқа шакллидан иборат бўлиши мумкин.

21. Малака ошириш муддати йўналишга қараб камида 72 академик соат этиб белгиланиб, асосий иш жойидан тўлиқ ажralган ҳолда амалга оширилади.

22. Аудитория машғулотлари ва мустақил ишларнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

23. Малака ошириш курсларида ўқийдиган тингловчиларга ўқишининг барча даврида асосий иш жойи бўйича эгаллаган лавозими ва ўртacha иш ҳақи сақланади.

4-боб. Малака ошириш курслари ташкилотчиси ва уларнинг вазифалари

24. Ваколатли орган малака ошириш курслари ташкилотчиси хисобланади.

25. Ваколатли орган:

малака ошириш курсларига умумий раҳбарликни амалга оширади;

малака ошириш курсларининг ўқув жараёнини такомиллаштириш механизмлари ва усулларини белгилайди;

тегишли хужжатларни (малака талаблари, ўқув режаси ва дастурларини, тингловчиларнинг малакасини ҳимоя қилиш ишини тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш, амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш тартибларини) тасдиқлайди;

замон талаблари, соҳадаги инновацион ривожланишларни ҳамда таълим дастурларининг узлуксизлигини, кетма-кетлигини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни ўқитиш йўналишлари бўйича малака талаблари, ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқади;

умумэътироф этилган халқаро таълим стандартлари ва талаблари, шунингдек, ўқитишининг замонавий шакллари ва услубларидан фойдаланиб тайёрланган ўқув режаси ва дастурлари асосида ўқув жараёнини ташкил этади;

курслар доирасида сифат жиҳатидан юқори ташкилий ва касбий даражада машғулотлар ўтказиш учун зарур ўқув, методик ва моддий-техника базани ташкил этади;

малака ошириш курсларида машғулотлар ўтказиш учун олий таълим муассасаларининг етакчи педагог кадрларини, амалиётчи реставратор-усталарни, шунингдек, шартнома асосида лойиҳа илмий-тадқиқот муассасаларининг юқори малакали кадрларини ва хорижий мутахассисларни жалб этишни таъминлайди;

малака ошириш йўналишлари бўйича замонавий инновацион педагогик, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида машғулотлар олиб борилади.

26. Малака ошириш курсларини ташкил этиш, уларни талаб даражасида ўтказиш, таълим самарадорлигини таъминлаш учун шароитлар яратиш ваколатли орган зиммасига юкланди.

27. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектлари соҳасида фаолият олиб борадиган ташкилотлар:

мутахассислар таркибидан тегишли йўналишлар бўйича малака ошириш курсларидан ўтиши керак бўлган тингловчилар контингентини шакллантиради;

малака ошириш курсларининг тасдиқланган жадвали асосида ўз мутахассисларининг курсларга белгиланган муддатларда ўз вақтида келишини таъминлайди;

ташкилотларнинг мажлисларида малака ошириш натижаларини мухокама қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этади;

курсларни муваффақиятли тамомлаган мутахассисларнинг илғор тажрибаси, янги билимлари ва кўникмаларини оммалаштиришни ташкил этади;

малака ошириш курсларидан ўтган мутахассисларнинг касбий фаолияти бўйича доимий мониторингни ташкил этади.

5-боб. Малака ошириш курсларида ўкув жараёнини ташкил этиш

28. Малака ошириш курсларида ўкув жараёнини ташкил этиш тегишли йўналишлар бўйича тасдиқланган малака талаблари, ўкув режалари ва дастурлари, машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Ўкув режалари ва дастурлари фан, техника, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосида ҳар йили такомиллаштирилади.

29. Малака ошириш курсларида ўкув машғулотларининг қуидаги асосий турлари – маъруза, интерактив семинарлар, амалий машғулот, тажриба алмашиш, мустақил ўқиш ва малака амалиёти қўлланилади.

30. Аудиторияда ўтказиладиган барча машғулотлар турлари 80 дақика давом этади, ўкув машғулотлари оралиғидаги танаффус – камида 10 дақиқани ташкил этади.

31. Тингловчиларнинг малака амалиёти соҳадаги етакчи лойиҳалаш ташкилотлари, реставрация-тиклаш устахоналари ҳамда асраршга доир ишлар амалга оширилаётган обьектларда ташкил этилади.

32. Малака ошириш курсларида меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари билан тингловчиларни ўқитадиган педагогларнинг ўкув юкламаси ҳажми ўкув йили мобайнида белгиланган нормативлар бўйича улар амалда бажарадиган ўкув ишларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

7-боб. Малака ошириш курслари тингловчиларини аттестациядан ўтказиш ва баҳолаш

33. Тингловчилар ўкув курслари таълим дастурларини ўзлаштириб бўлгандан сўнг ваколатли орган томонидан аттестация – якуний назоратдан ўтказилади.

Аттестацияда битирув иши ҳимоя қилинади, ишчи касб эгалари учун эса амалий имтиҳон ўтказилади.

34. Якуний назорат учун Аттестация комиссияси тузилади. Комиссия томонидан тингловчиларнинг малакаси баҳоланади.

35. Аттестация комиссияси аъзолари беш нафардан иборат таркибда ваколатли орган раҳбари томонидан тасдиқланади.

36. Аттестация комиссияси таркибига ваколатли орган, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаментининг Илмий-эксперт кенгаши аъзолари, Тошкент архитектура – қурилиш институти ва Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти вакиллари жалб қилиниши мумкин.

37. Аттестация комиссияси ўз таркибининг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

38. Аттестация комиссияси аъзолари меҳнатига соатбай ҳақ тўланади ва унинг миқдори ваколатли орган томонидан белгиланади.

39. Малака ошириш курсларининг 72 академик соатли йўналиши учун якуний битирув иши презинтация слайд шаклида топширилади.

Якуний битирув иши учун умумий 100 балл деб белгиланади ва умумий балдан камида 56 балл (56 фоиз) тўплаган тингловчи имтиҳондан ўтган ҳисобланади.

40. Якуний битирув ишининг умумий баллидан 56 балл (56 фоиз) тўпламаган тингловчи натижалар эълон қилинган кундан бошлаб 24 соат ичida ваколатли орган раҳбарига аппеляция аризаси билан мурожаат қилиши мумкин.

Аппеляция комиссияси аъзолари З нафардан иборат таркибда ваколатли орган раҳбари томонидан тасдиқланади.

Аппеляция комиссияси аппеляцияга тушган аризани 24 соат ичida кўриб чиқади ва натижасини ариза берувчига эълон қиласи.

41. Якуний назоратдан ўтган малака ошириш курслари тингловчиларига ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ қатъий ҳисобда турадиган давлат намунасидаги ҳужжат ҳисобланадиган сертификат берилади.

6-боб. Мутахассисларнинг малакасини оширишни молиялаштириш

42. Мутахассисларнинг малакасини оширишни молиялаштириш қўйидагилар ҳисобига амалга оширилади:

буортмачиларнинг маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаментининг Маданий мерос жамғармаси маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

43. Малака ошириш курсларининг харажатлар сметаси ваколатли орган томонидан тузилади ва тасдиқланади.

44. Харажатлар сметасида:

курснинг ўқув дастури ва режасида назарда тутилган барча дарс машғулотлари учун тўланадиган соатбай ҳақ;

курснинг моддий-техника таъминоти;

курсни ташкил этиш ва ўтказишга жалб этилган ходимларга (раҳбар, педагог ва техник) тўланадиган иш ҳақи ҳамда уларни рағбатлантириш;

тўланадиган солиқлар ва бошқа асосланган харажатлар учун маблағлар назарда тутилади.

Бунда малака ошириш курсларида ўқиши учун тингловчи томонидан тўланадиган маблағ мазкур курсларни ўтказиш учун сарфланадиган харажатлар ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда (сметадаги жами харажатларни тингловчилар сонига бўлиш орқали) ҳисоблаб чиқилади.

45. Мутахассислар малакасини ошириш бўйича буюртмачи билан ваколатли орган ўртасида ихтиёрийлик асосида шартномалар буюртма берилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тузилиши лозим.

8-боб. Яқунловчи қоида

46. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк
объектлари соҳасида реставратор-усталар
малакасини ошириш ва уларга малака
сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Малака ошириш ҳақида давлат намунасидағи
СЕРТИФИКАТ
(ТАВСИФИ)**

Малака ошириш тўғрисидаги сертификат А4 форматли оқ қоғозда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун – қора рангда, расмлар тасвири учун – яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун – оч кул рангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири, паст қисмида эса – 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметрли оқ айлана жойлашган.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида “O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI. Malaka oshirish haqida SERTIFIKAT” сўзлари босилади. Сертификат икки лотин ҳарфи – МО ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланади.

Барча матн нақшли растрдан иборат оч кул ранг фонда босиб чиқарилади.

Босма таснифи:

босиб чиқаришнинг икки усули – офсет ва юқори усули;

ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очик ранглар;

нақшли растр;

ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;

махсус қоғозлар;

ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олтига химояга эга.

(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)

O`zbekiston Respublikasi
Malaka oshirish haqida
SERTIFIKAT
МО № 000000

(tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20 ____ yil _____ dan 20 ____ yil _____ gacha

(malaka oshirish ta`lim muassasasining nomi)

Jami _____ soatli

(malaka oshirish kursining nomi)

bo`yicha malakasini oshirdi.

Muhr o`rni

Direktor _____

Sana _____

Qayd raqami _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “З” мартағи 119-сон қарорига
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаменти томонидан
кўрсатиладиган давлат хизматлари ҳамда уларга тўлов тури ва миқдорлари**

Т/р	Давлат хизматлари номи	Давлат хизматлари кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари	Давлат хизматлари кўрсатиш натижаси	Тўлов тури ва миқдори
1.	Моддий маданий мерос обьектини давлат кадастрига белгиланган тартибда киритиш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Паспорт	Пуллик. Базавий ҳисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда – БҲМ) 50 фоизи
2.	Моддий маданий мерос обьектини давлат кадастридан белгиланган тартибда чиқариш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Қарор	Пуллик. БҲМнинг 50 фоизи
3.	Моддий маданий мерос обьектларини тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Экспертиза хulosаси	Пуллик. Республика тоифасидаги обьектлар учун – БҲМнинг 7 баравари. Маҳаллий тоифадаги обьектлар учун – БҲМнинг 4 баравари.
4.	Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектларини асрашга доир ишлар учун рухсатнома бериш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Рухсатнома	Пуллик. республика тоифасидаги обьектлар учун – БҲМнинг 10 баравари, маҳаллий тоифадаги обьектлар учун – БҲМнинг 5 баравари.
5.	Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектларини асрашга доир фаолиятни амалга ошириш учун лицензия бериш.	Юридик шахслар	Лицензия	Пуллик. I тоифадаги лицензия учун – БҲМнинг 20 баравари, II тоифадаги лицензия учун – 40 баравари.

6.	Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишларни лойиха-смета хужжатлари бўйича экспертизадан ўтказиш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Экспертиза хуносаси	Пуллик. Лойиха-смета хужжатидаги миқдорнинг 1 фоизи
7.	Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишлар бўйича илмий-техник назорат қилиш.	Юридик шахслар	Маълумот	Пуллик. Лойиха-смета хужжатидаги миқдорнинг 3 фоизи
8.	Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари соҳасида реставратор-усталарга малака сертификати бериш.	Юридик шахслар	Сертификат	Пуллик. Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 барабари
9.	Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва уларнинг қўриқланадиган теграларида ер қазиш, ер тузиш, курилиш, мелиорация ва бошқа хўжалик ишларини ўтказишга оид лойихаларни кўриб чиқиш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Хулоса	Пуллик. Республика тоифасидаги объектлар учун – БҲМнинг 10 баравари. Маҳаллий тоифадаги объектлар учун – БҲМнинг 5 баравари
10.	Аҳоли пунктлари бош режаларининг лойихаларини кўриб чиқиш ва уларга хулоса бериш.	Юридик шахслар	Хулоса	Пуллик. БҲМнинг 5 баравари
11.	Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий худудларда, шу жумладан, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган худудларда бино ва иншоотларни қуриш ёки уларни бузиш бўйича лойихаларни кўриб чиқиш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Хулоса	Пуллик. Юридик шахслар учун – БҲМнинг 20 баравари. Жисмоний шахслар учун – БҲМнинг 1 баравари
12.	Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган худудларда бино ва иншоотларни қуриш ёки уларни бузиш бўйича лойихаларни Меросга бўлган таъсирини баҳолаш ҳисботларини кўриб чиқиш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Хулоса	Пуллик. БҲМнинг 10 баравари
13.	Тарихий-маданий худуднинг паспортини тасдиқлаш.	Юридик шахслар	Қарор	Пуллик. БҲМнинг 10 баравари

14.	Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектидан фойдаланиш бўйича хулоса бериш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Хулоса	Бепул
15.	Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектини текин фойдаланиш учун бириктириш бўйича хулоса бериш	Жисмоний ва юридик шахслар	Хулоса	Бепул
16.	Ушлаб қолинган ёки мусодара қилинган маданий бойликларни тегишли давлат органларидан қабул қилиб олиш, уларни экспертизадан ўтказиш.	Юридик шахс	Экспертиза хуносаси	Бепул
17.	Маданий бойликларни реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш.	Юридик шахс	Рухсатнома	Пуллик. БҲМнинг 50 фоизи
18.	Олиб чиқилаётган ва олиб кирилаётган маданий бойликларни ҳисобга олиш ва олиб чиқиш хуқуқини берувчи сертификатлар бериш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Сертификат	Пуллик. Белгиланган тартибда БҲМнинг 2 фоизидан 100 фоизигача
19.	Археология ашёсини Давлат каталогига киритиш.	Юридик шахс	Гувоҳнома	Бепул
20.	Археология ашёсини Давлат каталогидан чиқариш.	Юридик шахс	Буйруқ	Бепул
21.	Археология ашёси Давлат каталогига кирган ёки кирмаганлиги ҳақида маълумот бериш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Маълумот	Бепул
22.	Миллий музей фонди Давлат каталоги таркибига музей ашёлари ва музей коллекцияларини белгиланган тартибда киритиш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Гувоҳнома	Бепул
23.	Миллий музей фонди Давлат каталоги таркибидан музей ашёлари ва музей коллекцияларини белгиланган тартибда чиқариш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Гувоҳнома	Пуллик. БҲМнинг 50 фоизи


24.	Миллий музей фонди Давлат каталоги таркибига музей ашёлари кирган ёки кирмаганлиги ҳақида маълумот бериш.	Жисмоний ва юридик шахслар	Гувоҳнома	Бепул
25.	Миллий музей фондининг Давлат каталогида музей ашёлари ва музей коллекцияларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.	Жисмоний шахс	Гувоҳнома	Пуллик. БХМнинг 50 фоизи

Изоҳ. Уишу давлат хизматлари билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа давлат хизматлари ҳам белгиланган тартибда Маданий мерос департаменти томонидан кўрсатиласди.



Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 3 мартағи 119-сон қарорига
“Бухоро” давлат музей-қўриқхоналари қўриқланадиган теграларининг
ЧЕГАРАСИ 8-илова

“Бухоро” давлат музей-қўриқхоналари қўриқланадиган теграларининг ЧЕГАРАСИ




Шартни белгилар:

- “Бухоро давлат музей-қўриқхонаси”нинг қўриқланадиган худуди чегарасини белгиловчи нутка
- “Бухоро давлат музей-қўриқхонаси”нинг муҳофаза зонасини белгиловчи нутка
- Археология объекти
- Архитектура объекти
- Бухоро давлат музей-қўриқхонаси”нинг қўриқланадиган худуди чегараси
- Бухоро давлат музей-қўриқхонаси”нинг муҳофаза зонаси
- Гилядалар йўлчачаси
- Асосий куллар
- Кўчалар
- Каналлар
- Бинонадар ва иншотлар
- Хозяйлар
- Бухоро тарихий маркази
- Бухоро тарихий марказининг муҳофаза зонаси



**“Самарқанд” давлат музей-кўриқхоналари қўриқланадиган теграларининг
ЧЕГАРАСИ**


Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 3 мартағи 119-сон қарорига
9-илова






**“Ичан қалъа” давлат музей-күриқхоналари қўриқланадиган теграларининг
ЧЕГАРАСИ**

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 3 марта 119-сон қарорига
10-илова




“Сармишсой” давлат музей-қўриқхоналари қўриқланадиган теграларининг ЧЕГАРАСИ



12-илюва

“Шахрисабз” давлат музей-қўриқхоналари қўриқланадиган теграларининг ЧЕГАРАСИ





Вазирлар Маҳкамасининг

2021 йил 3 мартағи 119-сон қарорига
13-илова


**“Термиз” давлат музей-қўриқхоналари қўриқланадиган теграларининг
ЧЕГАРАСИ**





Вазирлар Махкамасининг
2021 йил 3 мартағи 119-сон қарорига
14-илова

“Кўқон” давлат музей-кўриқхоналари қўриқланадиган теграларининг ЧЕГАРАСИ



1:3 500

Шартли белгилар:

- ▲ “Кўқон давлат музей-кўриқхонаси”нинг худудининг чегараси
- Худоёрхон ўрдаси муҳофаза худуд теграси
- Худоёрхон ўрдаси худудининг чегараси
- “Кўқон давлат музей-кўриқхонаси”нинг муҳофиза худуди теграси
- Архитектура обьекти

Чегаралар

- “Кўқон давлат музей-кўриқхонаси”нинг худудининг чегараси
- “Кўқон давлат музей-кўриқхонаси”нинг муҳофиза худуди теграси
- Каналлар
- Асосий йўллар
- Кўчалар
- Гидралар йўлакчаси
- Бинолер ва иншоотлар

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “3” мартағи 119-сон қарорига
15-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 мартағи 265-сон қарорида:

2-банд ҳамда 1–3 иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

4-баннда:

“а” кичик банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“а) Кўйидагилар Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг Маданий мерос жамғармаси;

ўз даромадлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;”;

“б” кичик банддаги “ходимлариға” сўзидан кейин “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан” сўzlари қўшилсин;

қўйидаги мазмундаги “в” кичик банд қўшилсин:

“в) Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлариға Жамғарма маблағлари ҳисобидан:

кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қўйидаги ҳажмларда ҳар ойда қўшимча пул тўлаш: 2 йилдан 5 йилгача – 0,1; 5 йилдан 10 йилгача – 0,2; 10 йилдан 15 йилгача – 0,3; 15 йилдан ортиқ – 0,4;

ходимлар фаолиятининг натижадорлигига кўра иш берувчининг алоҳида буйруғи билан белгиланадиган, лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) 200 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устама;

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга шахслар учун – лавозим маошининг 30 фоизигача, фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига эга шахслар учун – лавозим маошининг 60 фоизигача қўшимча тўловлар;

ҳар ойлик йўлкира учун харажатларни қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги тўловлар, хизмат автотранспорти бириктирилган ходимлардан ташқари;

ҳар ойлик озиқ-овқат учун харажатларни қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги тўловларни белгилаши мумкин”.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаменти тўғрисидаги низомда:

9-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

10-бандга қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбошиси қўшилсин:

“маданий бойликларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши ва унинг ҳудудига олиб кирилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шу жумладан маданий бойликларни экспертизадан ўтказиш ва сертификатлар бериш”.

11-бандда:

“ж” кичик бандга қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“реставраторларни янги технологияларини жорий қилиш ҳамда анъанавий меъморчилик асослари бўйича малакасини ошириш учун ўкув курсларини ташкил этади;”

учинчи–олтинчи хатбошлари тегишли равища тўртинчи–еттинчи хатбошлари ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги “й” кичик банд қўшилсин:

“й) маданий бойликларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши ва унинг ҳудудига олиб кирилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шу жумладан, маданий бойликларни экспертизадан ўтказиш ва сертификатлар бериши соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибда маданий бойликлар сирасига кирувчи ашёларнинг тоифасини аниқлайди;

маданий бойликларнинг олиб чиқилиши, вақтинча олиб чиқилиши мумкинлиги тўғрисида қарорлар қабул қиласи;

олиб чиқилаётган ва олиб кирилаётган, шунингдек, вақтинча олиб чиқилаётган ва вақтинча олиб кирилаётган маданий бойликларни рўйхатга олади;

олиб чиқилади, вақтинча олиб чиқилади деб эълон қилинган, шунингдек, вақтинча олиб чиқилганидан кейин қайтариб олиб келинган маданий бойликларни бадиий экспертизадан ўтказишни таъминлайди;

маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва вақтинча олиб чиқилиши хукуқини берувчи сертификатларни расмийлаштиради;

ушлаб қолинган ёки мусодара қилинган маданий бойликларни тегишли давлат органларидан қабул қилиб олади, уларни бадиий экспертизадан ўтказади ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

13-банднинг учинчи хатбоисига “фойдаланиш” сўзидан кейин “, маданий бойликларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши ва унинг ҳудудига олиб кирилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шу жумладан, маданий бойликларни экспертизадан ўтказиш ва сертификатлар бериш” сўzlари қўшилсин;

14-банднинг иккинчи хатбоисидаги “Бош меъмор ва бош инспектор” сўzlари “Бош меъмор, бош инспектор ва Бадиий экспертиза бошқармаси бошлиғи” сўzlари билан алмаштирилсин.

16-бандга куйидаги таҳрирдаги иккинчи ва учинчи хатбошлар қўшилсин:

“Ҳудудий бошқармалар таркиbidаги бадиий экспертиза бўлимлари бошлиқлари Бадиий экспертиза бошқармасининг бошлиғи тақдимномасига асосан Департамент бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ҳудудий бошқармалар ходимлари Департамент билан келишган ҳолда ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этади.”;

18-бандга “фойдаланиш” сўзидан кейин “, маданий бойликларни бадиий экспертизадан ўтказиш” сўzlари қўшилсин;

19-банда:

йигирма учинчи хатбошига “фойдаланиш” сўзидан кейин “, маданий бойликларни бадиий экспертизадан ўтказиш” сўzlари қўшилсин;

йигирма бешинчни хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг буйруғи асосида Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари, Маданият вазирлигининг ҳудудий бошқармалари балансида бўлган моддий маданий

мероснинг кўчмас мулк объектларининг қўриқланилишини таъминлаш учун қаровуллар штатларини киритиш”;

20-банда:

ўнинчи хатбошига “таркибий” сўзидан кейин “бошқарма ва” сўзлари қўшилсин;

ўн биринчи хатбошига “муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш” сўзларидан кейин “,маданий бойликларнинг бадиий экспертизаси бўйича,” сўзлари қўшилсин.

куйидаги мазмундаги 20¹-банд қўшилсин:

“Белгилансинки, соҳа йўналишлари бўйича:

а) Департамент бошлигининг ўринbosари – Бош меъморнинг асосий вазифалари:

тарихий-маданий ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизасини, моддий маданий мерос объектларининг тарихий-маданий қиммати ва ноёблигига асрашга доир ишларни путур етказмаган ҳолда амалга оширилиши бўйича узлуксиз илмий-техник назоратни олиб бориши;

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ва жаҳон маданий мероси объектлари жумласига киритилган ҳудудларда шаҳарсозлик ва бошқа хўжалик фаолияти уларнинг тарихий-маданий муҳити, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолган ҳолда олиб борилишини мувофиқлаштириши;

олимлар, ҳалқ усталари, реставраторлар, эксперталар билан яқин ҳамкорлик қилиш, таъмиршуносликдаги ўзига хос услугуб, анъана ва мактабларни ривожлантириши, жамоатчилик назорати амалга оширилишини кўллаб-қувватлаш;

б) Департамент бошлигининг ўринbosари – Бош инспектор асосий вазифалари:

моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритиши, тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган объектларни аниқлаш, уларни ҳужжатлаштириш ва давлат ҳисобига олиш, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари тоифалари ва қўриқланадиган теграларини белгилаш, шунингдек, улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

археология ашёлари давлат каталогини юритиши, археология тадқиқотларини амалга ошириш тартиби ва шартларига риоя қилиниши, археология ашёларининг ўз вақтида ҳисобига олиниши ва давлатга топширилишини назорат қилиш ҳамда уларни фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириш, шунингдек, археология тадқиқотлари бўйича

илмий ҳисоботларни қабул қилиш, экспертизадан ўтказиш ва архивини йиғиши, археология ёдгорлигини консервациялаш ҳамда музейлаштириш;

моддий маданий мерос объектларини кенг тарғиб этиш ва оммалаштириш, соҳага давлат-хусусий шериклик механизмларини, инновацион ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этиш, электрон хизматларни ривожлантириш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

миллий музей фондининг давлат каталогини юритиш, музей ашёлари ва коллекцияларини музей фонди тасарруфидан чиқариш ёки бошқа музей фондига ўтказиш, маданий бойликларни реализация қилиш учун рухсатномалар бериш, шунингдек, давлат томонидан муҳофаза рўйхатлари ва реестрларига киритилган маданий бойликлар, жумладан, музей ашёлари ва коллекциялари, қадимий ёзма манбаларнинг бут сакланишини ва ҳисоби юритилишини текшириш.

г) Департамент бошлигининг ўринбосари – Бадиий экспертиза бошқармаси бошлигининг асосий вазифалари маданий бойликларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидан олиб чиқилиши ва унинг худудига олиб кирилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шу жумладан, маданий бойликларни экспертизадан ўтказиш ва сертификатлар беришдан иборат”;

24-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“24. Қўйидагилар департамент ва унинг худудий бошқармалари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг Маданий мерос жамғармаси;

ўз даромадлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;.

25-банднинг иккинчи хатбошидан кейин қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“маданий бойликларни бадиий экспертизадан ўтказганлик учун ундириладиган маҳсус йиғим маблағлари;”.

30-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“30. Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларига Жамғарма маблағлари ҳисобидан:

кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда куйидаги ҳажмларда ҳар ойда қўшимча пул тўлаш: 2 йилдан 5 йилгача – 0,1; 5 йилдан 10 йилгача – 0,2; 10 йилдан 15 йилгача – 0,3; 15 йилдан ортиқ – 0,4;

ходимлар фаолиятининг натижадорлигига кўра иш берувчининг алоҳида буйруғи билан белгиланадиган, лавозим маошидан (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) 200 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устама;

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга шахслар учун – лавозим маошининг 30 фоизигача, фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига эга шахслар учун – лавозим маошининг 60 фоизигача қўшимча ҳақ тўловлар;

ҳар ойлик йўлкира учун харажатларни қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўловлар, хизмат автотранспорти бириклирсанда ташқари;

ҳар ойлик озиқ-овқат учун харажатларни қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида тўловларини белгилаши мумкин”;

32-банднинг “а” кичик банддаги “17,6” ва “1,76” рақамлари тегишлича “100” ва “2” рақамлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг Илмий-эксперт кенгаши тўғрисидаги низомда:

5-банднинг иккинчи хатбошидаги “Асрарга доир ишларни режалаштириш ва илмий-техник назорат қилиш, рухсатнома бериш ва экспертиза бўлими” сўzlари “Маданий меросни асрар ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни ҳимоя қилиш бошқармаси” сўzlари билан алмаштирилсин;

6-банддаги “1,06” рақами “2,5” рақами билан алмаштирилсин.

5-илова матни қуйидаги таҳrirда баён қилинсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги
Маданий мерос департаментининг Илмий-эксперт кенгаши
ТАРКИБИ**

1. Акилова Камола – Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг

- Болтабоевна ўринбосари — Маданий мерос департаменти бошлиғи, кенгаш раиси*
2. Назилов Дода Авазович – Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Архитектура тарихи ва назарияси кафедраси профессори, архитектура фанлари доктори, кенгаш раиси ўринбосари
3. Юсупова Мавлюда Аминджановна – Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг Архитектура бўлими мудири, архитектура фанлари доктори, профессор, Шарқ давлатлари халқаро архитектура академиясининг муҳбир аъзоси
4. Сулайманов Рустам Хамидович – Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Археология кафедраси профессори, тарих фанлари доктори, археолог
5. Таджиев Асомиддин Джалалович – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси бўлими бошлиғи, Ўзбекистон меъморлар ўюшмаси раисининг ўринбосари
6. Матчонов Баходир Гаиббаевич – Маданий мерос департаменти бошлиғи ўринбосари – бош меъмор
7. Зияев Абдуманноп Абдураҳимович – Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг Архитектура бўлими етакчи илмий ходими, архитектура фанлари номзоди, доцент, Шарқ давлатлари халқаро архитектура академиясининг муҳбир аъзоси
8. Заиров Шухрат Шокирович – «Arx-dizan san`nati» масъулияти чекланган жамияти бош меъмори, архитектура ёдгорликлари бўйича меъмор
9. Досметова Зухра Шавкатовна – Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг Бадиий кулол ва меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш кафедраси доценти, архитектура фанлари номзоди, рассом-реставратор
10. Ўлмасов Акмалжон Фозилович – Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг катта илмий ходими, архитектура фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD)

11. Турдиев Абдураззок Абдурахимович – Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Архитектура тарихи ва назарияси кафедраси катта ўқитувчиси

* Кенгаши раиси лавозимига кўра кенгаши таркибига киради. У бошқа лавозимга ўтган тақдирда, унинг ўрнига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишили вазифаларни бајсарии зиммасига юкланган шахс киритилади.

Изоҳ. Истисно тариқасида, зарурат пайдо бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирига тегишили буйруқ билан кенгаши таркибига улар сонининг 4 нафарига ўзгартириши киритиш ҳуқуқи берилсин».

в) Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекторлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомда:

2-бандга “тасдиқланади.” сўзидан кейин “Фаолиятини намунали ташкил этган Жамоатчи инспекторлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаментининг (кейинги ўринларда – Департамент) Илмий-эксперт кенгаши қарори билан Бош жамоатчи инспектор деб эътироф этилиши мумкин ҳамда улар фаолияти ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади” сўзлари кўшилсин.

5-бандга куйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

“Бош жамоатчи инспектор мамлакатдаги барча маданий мерос объектлари бўйича жамоат назоратини амалга ошириши мумкин”.

9-банндан “бир” сўзи “уч” сўзи билан алмаштирилсин;

12-банндан “56 ва 57-банларида” сўзлари “10 ва 11-банларида” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 31 майдаги 451-сон қарорида:

2-бандинг иккинчи хатбошидан кейин қуйидаги таҳрирдаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини реставрация қилиш ва таъмирлаш-тиклаш соҳасида фаолият олиб борадиган ташкилотлар бундан мустасно.”

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Сармишсой”, “Шаҳрисабз”, “Термиз” ва “Кўқон” давлат музей-қўриқхоналари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 30 майдаги 443-сон қарорининг 3-банди ва қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 4 октябрдаги 846-сон қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатининг:

а) “Қорақалпоғистон Республикаси” бўлими 1–288-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқук” устунидаги “маданий мерос бошқармаси” сўзлари “Маданият вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) “Андижон вилояти” бўлими 1–9, 11, 13–16, 18, 28, 30–33, 36, 39, 43–60, 63–89, 91–111, 113–114, 116–117, 120–156, 158–222, 224–269, 271–381, 384–412 ва 414–422-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқук” устунидаги “маданий мерос” сўзлари “маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

в) “Бухоро вилояти” бўлимида:

1–61, 63–71, 73–86, 88–106, 108–112, 114–123, 125–132, 137–151, 154–159, 170–171, 173–179, 206–214, 239, 267, 269, 273, 301, 303, 320–388, 395–400, 409–450, 453–467, 469, 471, 489–531, 533–572, 574–592, 594–613, 615–625, 627, 629–813, 815–826 ва 829-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқук” устунидаги “маданий мерос” сўзлари “маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

72, 87, 107, 152–153, 160–169, 172, 198–205, 319 ва 532-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқук” устунидаги “Бухоро вилояти маданий мерос бошқармаси” сўзлари “Бухоро” давлат музей-кўриқхонаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) Жиззах вилояти бўлими 1–427-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқук” устунидаги “маданий мерос” сўзлари “маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

д) “Қашқадарё вилояти” бўлимида:

1–33, 35–789, 791–814, 816, 821, 834–839, 841–883, 885–1173, 1175–1391 ва 1393–1468-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқук” устунидаги “маданий мерос” сўзлари “маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

790, 815, 817–820, 822–824, 827–828, 830, 884, 1174 ва 1392-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқук” устунидаги “Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси” сўзлари “Шаҳрисабз” давлат музей-кўриқхонаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

825–826, 829, 831–833 ва 840-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқук” устунидаги “Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси оператив бошқарув хукуқи асосида Шаҳрисабз давлат музей кўриқхонасига текин фойдаланиш шартномаси асосида бириктирилган” сўзлари “Шаҳрисабз” давлат музей-кўриқхонаси оператив бошқарув хукуқи асосида” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) “Навоий вилояти” бўлимида:

1–39, 44–50, 52–85, 88–223 ва 225–437-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “маданий мерос” сўзлари “маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

41–43, 87 ва 224-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “Навоий вилояти маданий мерос бошқармаси” сўзлари “Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музей” сўзлари билан алмаштирилсин;

51 ва 86-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “Навоий вилояти маданий мерос бошқармаси оператив бошқарув хуқуки асосида. Навоий вилояти тарихи ва давлат музейига текин фойдаланиш шартномаси асосида бириктирилган.” сўзлари “Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музей оператив бошқарув хуқуки асосида” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) “Наманган вилояти” бўлими 1–33 ва 35–274-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “маданий мерос” сўзлари “маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

з) “Самарқанд вилояти” бўлимида:

2–15, 17, 19, 28, 36, 39, 78, 132, 143, 461, 463, 484–502, 505, 509–548, 554–615, 647–681, 683–684, 686–688, 697–750, 754–799, 804–851, 856–962, 968–1112, 1117–1208, 1214–1245, 1255–1357 ва 1394–1607-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “маданий мерос” сўзлари “маданият” сўзлари билан алмаштирилсин;

1, 16, 18, 20–27, 31–35, 49 ва 854–855-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “Самарқанд вилояти маданий мерос бошқармаси” сўзлари “Самарқанд” давлат музей-қўриқхонаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

29, 30, 142, 634, 693 ва 1359-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “Давлат мулки.” сўзлари “Давлат мулки. “Самарқанд” давлат музей-қўриқхонаси оператив бошқарув хуқуки асосида” сўзлари билан алмаштирилсин;

88-позициясининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “Хусусий мулк.” сўзлари “Давлат мулки. “Самарқанд” давлат музей-қўриқхонаси оператив бошқарув хуқуки асосида” сўзлари билан алмаштирилсин;

и) “Сурхондарё вилояти” бўлимида:

1–25, 27–48, 51–65, 67–88, 90–166, 169–199, 201–202, 204–270, 272–275, 277–280, 282–316, 318–368, 370–385, 387–413, 416, 418–422, 424–440, 442, 444–459, 461–496, 498–554, 557 ва 559–561-позицияларининг “Кўчмас мулкка

бўлган хукуқ” устуnidаги “маданий мерос” сўзлари “маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

26, 49–50, 66, 167–168, 200, 271, 281, 386, 415, 441, 443 ва 558-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хукуқ” устуnidаги “Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси” сўзлари “Термиз” давлат музей-қўриқхонаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

203, 276, 369, 423, 460 ва 497-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хукуқ” устуnidаги “Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси оператив бошқарув хукуки асосида Сурхондарё вилоят давлат тарихи ва маданият музейига текин фойдаланиш шартномаси асосида” сўзлари “Термиз” давлат музей-қўриқхонаси оператив бошқарув хукуки асосида” сўзлари билан алмаштирилсин;

414-позициясининг “Кўчмас мулкка бўлган хукуқ” устуnidаги “Давлат мулки.” сўзлари “Давлат мулки. “Термиз” давлат музей-қўриқхонаси оператив бошқарув хукуки асосида” сўзлари билан алмаштирилсин;

й) “Сирдарё вилояти” бўлимида:

1–5, 10–38, 40–50, 63, 65–71 ва 74–78-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хукуқ” устуnidаги “маданий мерос” сўзлари “маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

40-позиция чиқариб ташлансин;

к) “Тошкент вилояти” бўлими 1–536 ва 539–828-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хукуқ” устуnidаги “маданий мерос” сўзлари “маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

л) “Фарғона вилояти” бўлимида:

1, 5–9, 12, 15, 17, 18, 20–44, 46–51, 53–56, 58–66, 70, 76, 79, 81, 83, 85, 88–97, 99–107, 109–112, 114, 117–119, 122–127, 131–149, 151, 153–164, 168–256, 258–259, 261–266, 268–282, 284–245, 247–248, 350–363, 365, 368–369 ва 371–376-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хукуқ” устуnidаги “маданий мерос” сўзлари “маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

78, 80, 82, 84, 87, 115, 116, 130, 364 ва 370-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хукуқ” устуnidаги “Фарғона вилояти маданий мерос бошқармаси” сўзлари “Кўқон” давлат музей-қўриқхонаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

68, 69, 71–75, 77 ва 98-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хукуқ” устуnidаги “Фарғона вилояти маданий мерос бошқармаси оператив бошқарув хукуки асосида Кўқон давлат музей қўриқхонасига текин фойдаланиш шартномаси асосида бириктирилган” сўзлари “Кўқон” давлат музей-

қўриқхонаси оператив бошқарув хуқуки асосида” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-позициясининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “Давлат мулки. Фарғона вилояти маданий мерос бошқармаси оператив бошқарув хуқуки асосида” сўзлари “АТ “Алоқабанк” Фарғона филиали оператив бошқарув хуқуки асосида” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-позициясининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “Фарғона вилояти маданий мерос бошқармаси” сўзлари “Давлат мулки. Фарғона вилояти маданий мерос бошқармаси оператив бошқарув хуқуки асосида. Тошкент шаҳридаги Рим-католик марказига текин фойдаланиш шартномаси асосида бириктирилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

м) “Хоразм вилояти” бўлимида:

1–3, 5–6, 9–118, 131, 154, 156, 158, 159, 164–167, 170–171, 176–179, 181, 183–184, 187–189, 192–198, 201–202, 204–205, 209–213 ва 215–259-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “Маданий мерос” сўзлари “маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

119–121, 124–130, 132, 136, 138, 140–145, 147–151, 153, 155, 161, 169, 172, 174, 175, 180, 182, 185, 190, 191, 199, 200, 203, 206–208 ва 214-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “Хоразм вилояти Маданий мерос бошқармаси” сўзлари “Иchan-қalъa” давлат музей-қўриқхонаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

123, 133–135, 137, 139, 146, 152, 157, 162–163, 168, 173 ва 186-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “Хоразм вилояти Маданий мерос бошқармаси оператив бошқарув хуқуки асосида. “Иchan қalъa музей қўриқхонаси” сўзлари “Иchan-қalъa” давлат музей-қўриқхонаси оператив бошқарув хуқуки асосида” сўзлари билан алмаштирилсин;

н) “Тошкент шаҳар” бўлимида:

1–4, 49, 94–96, 99–117, 119–123, 152, 157, 167–199, 205–209, 217–219, 222–227, 229–231, 234–235, 245, 262–265, 273–274 ва 337-позицияларининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқ” устунидаги “маданий мерос” сўзлари “маданият бош” сўзлари билан алмаштирилсин;

163-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 163¹-позиция қўшилсин:

163 ¹	Авлиё Георгий черкови	1885 йил	Камолон маҳалласи, “Қозиробод” кўчаси	Давлат мулки. Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси оператив бошқарув хуқуки асосида
------------------	-----------------------	----------	---------------------------------------	--

332-позициядан кейин қуидаги мазмундаги 332¹ ва 332²-позициялар қўшилсин:

332 ¹	2 қаватли турар жой биноси	1936 йил	Бобур кўчаси, 7-уй	Хусусий мулк
332 ²	Яккасарой тумани ҳокимлиги биноси (Олдинги Пойабзалилар маданият саройи)	1930 йил	Бобур кўчаси, 4-уй	Давлат мулки. Яккасарой тумани ҳокимлиги оператив бошқарув ҳуқуқи асосида

о) Изоҳдаги “8 208” ва “2 250” рақамлар тегишлича “8 210” ва “2 252” рақамлари билан алмаштирилсин.

